



O'ZBEKISTON OVOZI

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

Шу йил 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Сизларга яхши маълумки, кейинги вақтда Тошкент шаҳар ҳокимиятида раҳбарият янги раҳбар иш бошлади, ҳокимнинг биринчи муовини, бир қатор туманларнинг ҳокимлари ўзгарди, шаҳар кенгаши депутатлари таркибиди ҳам ўзгартирилди, деди Президентимиз Ислон Каримов.

Албатта, бундай ўзгаришларни шиддат билан ривожлантириш зарур, айни вақтда халқимизнинг охири бораётган талабларини, керак бўлса, эҳтижларини таъминлаш зарурати тақозо этмоқда.

Ана шундай ўзгаришлар таъбирини ким қаерда бўлмасин, қандай лавозим ёки вазифада ишласин — ишчи ёки хизматчи бўлади, курувчи ёки муҳандис, тадбиркор ёки ўқитувчи бўлади — ҳар бир юрдошимиз бугун ўз мисолида сезиши, англаши табиий. Чиндан ҳам, вақт, замон ўзгариши билан ҳаёт янги-янги талабларни илгари сурмоқда. Ана шу талабларга мос ҳолда, ҳар қайси одамнинг онгу тафаккури, ишга, ҳаётга муносабати ҳам ўзгариб бориши зарур. Акс ҳолда, унинг ўзи ҳам, у мансуб бўлган жамоа, охири охирида эса халқ ва мамлакат ҳам қолоқликка юз тутиши, жаҳон тараққиётидан четда қолиши мумкин.

Айниқса, замоннинг юриши, ўзгариши билан аввало раҳбарлар, етакчилар ўзгариши керак. Биз XXI аср — интеллектуал тараққиёт асри, деб қўп гапираемиз. Модернизи, шундай экан, бугунги кунда раҳбар нафақат аниқ бир касб-ҳунарнинг эгаси, аввало ўзининг фаолияти ва инсонийлиги билан халқнинг ишончига муносиб бўлиши, юксак интеллектуал тафаккур соҳиби, узоқни кўра оладиган, доимо янгиликка интилиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшайдиган, қатъияти шакс бўлиши лозим.

Шу маънода, буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Азия катъий, тадбиркор ва ҳушёр бир одам минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишидан афзалдир» деган сўзлари менга ҳуддики айнан бугунги кунимиз учун айтилгандек туюлади, деб таъкидлади Ўртобошимиз.

Тошкент шаҳри — мустақил давлатимизнинг пойтахти, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонимизнинг юраги, Ўзбекистонимизнинг юзидир. Барчамиз Тошкентнинг бошқалар учун доимо намуна бўлишини истаймиз ва бундай юксак мақсадни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганимиз, деб ўз фикрини давом эттирди давлатимиз раҳбари.

Айни шунинг учун Тошкент шаҳрини бошқарадиган, унинг ўта мураккаб, ҳеч қайси ҳудуд билан қийинлаш бўлмайдиган ҳудудлигини тебратадиган, бу ерда яшайдиган миллион-миллион одамларнинг, катта бўлади, кичик бўлади, эҳтижларини қондиришга масъул бўлган шахсга нисбатан талаб ҳам албатта бошқача бўлиши ўз-ўзидан равшан.

Айтиши жоизки, Тошкент мустақиллик йилларида мислсиз даражада ўзгарди, янгилини, олдин тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган марраларни эгаллаб бормоқда. Энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар, гўзал бино ва иншоотлар, турар-жойлар, янги-янги олий ўқув юрталари, таълим ва шифо масканлари, магистраль кўча ва проспекторлар, мухташам кўприклар, бог ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Тошкентнинг салохияти тобора ортиб, унинг чедраси, қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, азим пойтахтимизнинг нафақат Ўзбекистон, балки бутун Шарқ минтақасидаги обод ва гўзал шаҳарга айлиниб, ўзгаларнинг ҳавасини, халқимизнинг гурур-ифтихори ва севгини уйғотиб, жадал ривожланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Бугунги кунда Тошкентимиз, айтиши мумкин, ўзининг илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳасидаги улкан имкониятлари, қолаверса, чиройи ва бетакорлиги билан жаҳон жамоатчилиги эътиборини ўзига тортди келаётганига, турли халқаро урчуш ва саммитлар, форум ва анжуманлар ўтказиладиган йирик марказга айлиниб бораётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Хусусан, 2010 йили пойтахтимизда бўлиб ўтган Осие тараққиёт банки бошқарувчилар кенгашининг мажлиси, 2011 йилда тиббиёт соҳасининг долзарб масалалари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти иштирокида ўтказилган симпозиум ҳамда 2012 йил февраль ойида таълим ва тараққиёт мавзусига бағишланган нуфузли халқаро конференция бу фикрнинг аққол далилидир.

Пойтахтимиз аҳлининг фидокорона меҳнати билан ҳаётнинг турли соҳа ва тар-

моқларида қўлга киритилган ютуқ ва марралар мамлакатимизнинг умумий ривожланиш суръатларини оширишда муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганини ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз. Бугунги кунда мамлакатимиз янги ички маҳсулотнинг 14 фоиздан ортиги, саноат маҳсулотини ҳамда ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 20 фоизи айнан Тошкент шаҳрининг улушига тўғри келаётгани унинг катта иқтисодий имкониятларга эга эканидан далолат беради, деди Ислон Каримов.

Сўнгги уч йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 1,4 баробар, саноат маҳсулотлари ҳажми 1,4 баробардан зиёд, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 1,5 баробар ўсгани шаҳар иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Тошкент шаҳри доимо ўзининг улкан ишлаб чиқариш салоҳияти, юксак малакали муҳандис-техник ходимлари, олим ва мутахассислари, ички ва ташқи бозоримизда харидорлар маҳсулотлари билан наинки мамлакатимиз, балки бутун минтақа иқтисодиётида етакчи ўрин тўтиб келади. Кейинги йилларда иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлохотлар туфайли Тошкентнинг бу борадаги имкониятлари тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда бу ердаги корхоналарда уч мингдан зиёд турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётгани бу фикрни тасдиқлайди.

Биргина маҳаллийлаштириш дастури доирасида шаҳардаги корхоналар томонидан 100 га яқин янги маҳсулот турлари ўзлаштирилди ва 4 триллион 300 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. 2011 йилда ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорти 2009 йилга нисбатан 1,4 баробар ўсганини қайд этиш жоиз.

Ўтган уч йил давомида Тошкент шаҳрида 1 миллиард 500 миллион доллардан ортиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди, 35 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлар қўйнига етказилди.

Тошкент кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳам йирик марказига айланиб бормоқда. Бу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 49,9 фоиздан 2011 йилда 53,1 фоизга етгани алоҳида диққатга сазовор. Энг муҳими, айни шу соҳа ривожига ҳисобидан қарий 60 мингта янги иш ўрни яратилди. Бу эса жами янги иш ўринларининг 72,8 фоизини ташкил этади.

Тошкент шаҳар иқтисодиётида муҳим роль ўйнайдиган хизмат кўрсатиш соҳасини оладиган бўлса, охириги уч йилда пуллик хизматлар ҳажми 1,6 баробар ўсганини қайд этиш ўринлидир.

Мамлакатимизнинг энг йирик банклари, уларнинг шаҳар ва туман филиаллари фаолият юритаётган пойтахтимизда ишчи замонавий асосда ташкил этишга катта эътибор қаратилган туфайли бу соҳадаги хизмат сифати ва самардорлиги ошиб бормоқда.

Шулар қаторида техник ва технологик жиҳатдан яхши жиҳозланган, биржа операцияларини реал вақт режимида амалга оширадиган Ўрта Осиедаги энг йирик товар-хомашё биржаси, қимматли қозғолар ҳамда валюта биржалари, суғурта, лизинг, аудиторлик компаниялари Тошкентнинг йирик молиявий марказ сифатидаги нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради.

Транспорт инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қўлай имкониятлар яратиш мақсадида Кичик халқа йўлида кўприк ва йўл ўтказгичлар, 6 ва 8 полосали магистраль йўллар қурилди ва фойдаланишга топширилди. Фақат 2011 йилнинг ўзида Амир Темур, Алишер Навоий, Бегунов, Шаҳрисабз ва бошқа йўлларда кенг қўламли таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, аҳоли соғлиқини сақлаш, фан, таълим, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳалар бўйича ҳам Тошкент шаҳри етакчи ўрин эгаллаб келаётгани ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман, деди Президентимиз.

Таълим-тарбия соҳасини оладиган бўлса, пойтахтимизда энг юксак жаҳон талабларига жавоб берадиган, жумладан, дунёдаги кўзга кўринган университетлар билан ҳамкорликда ташкил этилган, мустақам моддий-техник базага эга бўлган олий ўқув юрталари — Вестминстер уни-

верситети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Москва давлат университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Губкин номидаги Россия нефть ва газ университетининг филиаллари фаолият кўрсатаётгани, шунингдек, Буюк Британиянинг машҳур Кембриж университети билан тузилган шартнома асосида Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази барпо этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, бу борадаги бошқа ишларимиз — яъни, яратилган шароитга қара олиб ўқув юрталаридан кам бўлмаган лицей ва коллежлар, мактаблар барпо этиш бўлади, уларни замонавий жиҳозлар ва ўқув воситалари билан таъминлаш, янги таълим стандартлари ва услубларини жорий этиш бўлади, бу билим масканларининг корхоналаримизни малакали кадрлар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш самардорлигини оширишга қўшаётган ҳиссаси бўлади — буларнинг барчаси одамнинг гурури ва ҳавасини тортадиган баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилаётганини кўриш, қузатиш қийин эмас.

Бутун дунёга машҳур «Женерал Моторс» компанияси билан биргаликда ташкил этилган, нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиеда янага бўлган, автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган қўша корхонада яқинда ана шундай билими ва малакали ёшлар билан учрашганда мен бунга яна ва яна бир бор иқдор бўлдим. Илм-фаннинг сўнгги ютуқлари негизда яратилган, компьютер дастурлари асосида бошқариладиган, энг нозик деталларни ишлаб чиқарадиган мураккаб технологияларни пушта ўзлаштириб олган фарзандларимизни кўриб, улар билан суҳбатлашиб, уларнинг ёниб турган қўзларига боқиб, ҳуддики ўзимнинг болаларимнинг ютуғини кўргандек қувонганим ҳеч қачон ҳаёлимдан чиқмайди. Бундай ёшлар билан танишиб, уларнинг иш самарасини кўрган ҳар қандай одам Ўзбекистон бугун ҳақиқатан ҳам тараққиётнинг янги босқичига қўтарилаётганини беихтиёр ҳис қилади, деди Ўртобошимиз ва қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади.

Маълумки, жаҳонда ўзининг нефть, газ каби ер ости захиралари ҳисобидан бойлик ортираётган давлатлар ҳам оз эмас. Албатта, сармос бўлса, кўп нарсани, жумладан, замонавий технологияларни ҳам сотиб олиш мумкин, лекин уларни ишлаштириш, самарали фойдаланиш учун энг аввало юксак малакали етуқ кадрлар керак.

Мен ҳам ўз вақтида кўп заводларда ишлаганман. Тошкент кишлоқ хўжалик машиналари, Тошкент авиация бирлашмаси ва бошқа йирик корхоналарда технологияларни ўзлаштириш мактабини ўтганман. Лекин «Женерал Моторс» билан ҳамкорликда ташкил этган корхонамиз — бу бутунлай янги бир олам. Бу ишлаб чиқариш мажмуасини албатта бориб кўриш керак. Бу ерда ёшларимиз юксак технологияларни қандай билимдонлик ва маҳорат билан бошқараётгани ҳаммани қўйил қолдирмоқда.

Биз 20 йил давомида қанча-қанча синов ва қийинчиликларни, бизга нисбатан бўлган мейнсимаслик қарашларини ҳам бошимиздан кечирдик. 90-йилларнинг бошида Ўзбекистонда илгари қурилган корхоналар тўхтади, муҳандислар, техник ходимлар, олимлар ва зиёлилар бу мамлакатни тарк этади, бу ерда тараққиёт орқага кетади, деган гапларни ёшлар эшитмаган бўлиши мумкин, лекин хурматли оқсоқолларимиз буни яхши билади. Биз ана шундай мураккаб даврда барча машаққатларга чидаб, бор куч ва салоҳиятимизни ишга солиб, ўз иродамизни, ўзбек халқи ҳеч қимдан кам эмаслигини дунёга намоян этидик.

Яқинда Тошкент шаҳрида таълим масалалари бўйича ўтказилган халқаро конференцияда жаҳондаги энг нуфузли ташкилотлар вакиллари, шу соҳанинг кўзга кўринган намояндлари томонидан биз эришган улкан ютуқлар яна бир бор тан олинди, бошқаларга ибрат сифатида эътироф этилган барчамизни қувонтиради.

Энг муҳими, бугунги кунда юртимизда ҳаёт сифати ўзгарди, аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг нафақат онгу тафаккури, балки турмуш маданияти, айтиши мумкин, ҳатто қийиниш маданияти ҳам юксалиб бормоқда.

Агарки мenden шу даврда амалга оширган энг катта ишларимиз ҳақида ҳисоб беришни сўраса, мен, ҳеч шубҳасиз, юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида жамоатчилигимиз, бутун халқимиз билан бирга олиб бораёт-

ган улкан ишларимизни фахру гурур билан айтган бўлардим. Ҳақиқатан ҳам, ўзининг моҳияти ва қўламига кўра беқиёс бўлган бу ишлар ҳозирги вақтда шундай мустақам бир изга қўйилдики, энди бизнинг бу йўлдаги ҳаракатларимизни тўхта-тиш асло мумкин эмас, деди Президентимиз.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустақамлаш, жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза этиш бўйича эриш-ётган катта ютуқларимизда Тошкент шаҳрининг алоҳида ўрни ва ҳиссаси бор.

Бугунги кунда бу ерда Республика шонлиқ тиббий ёрдам маркази, перинатал ва скрининг ҳамда диагностика марказлари, бир қатор ихтисослаштирилган тиббий илмий-амалий марказлар ва бошқа кўплаб соғлиқни сақлаш муассасалари фаолият олиб бормоқда. Айни пайтда замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозланган кардиохирургия маркази фойдаланишга топширилиш арафасида турибди ва келгусида бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади.

Мажлисда Тошкент шаҳрида кейинги йилларда эришилган ютуқ ва натижалар ҳақида сўз борар экан, қурилиш ва бунёдкорлик соҳасидаги улкан ишлар алоҳида таъкидланди. Айниқса, миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳар-созликнинг энг юксак талаблари асосида барпо этилган Мустақиллик майдони, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ўз ичига олган Маърифат маркази, Ҳазрати Имом мажмуаси, Амир Темур хиёбони, бошқа ўлжа мухташам бино ва иншоотлар шу борадаги ишларимизнинг ёрқин намояни экани қайд этилди.

Тошкентнинг сўнгги йилларда аққол эътироф этилаётган яна бир устувор хусусияти борки, у ҳам бўлса, унинг дунёдаги пойтахт шаҳарлар ўртасида экологик жиҳатдан тоза ва кўркам қиёфа касб этиб бораётганида ўз ифодасини топтомоқда.

Ҳар йили янги-янги обод уй-жойлар, бог ва хиёбонлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этилаётгани, энг муҳими, бунёдкор Тошкент аҳлининг ўз уйи, ўз маҳалласи, ўз шаҳрига бўлган меҳри ва эътибори ана шундай эътирофга эришишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Илгариги вақтда шаҳарнинг аксарият мазе ва майдонлари қуруқ бетон ва асфальтдан иборат бўлиб, ёз ойларида одамнинг нафаси қайтиб кетадиган бир аҳволда эди. Кейинги йилларда кўплаб майдон ва хиёбонларда кўкаламзор ҳудудларни кенгайтириш учун жуда катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, арча, каштан, қайин, қарағай, эман каби ксилородга бой дархатлар, яшил буталар, майсазор майдонлар шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Бу ҳақда узоқ гапириш мумкин, лекин шу борада биргина рақамни олиб келсак, ўйлайманки, кўп нарса ўз-ўзидан аён бўлади, деди Ислон Каримов. Агарки 1990 йилда Тошкент шаҳри умумий майдонининг 9 фоизини бог ва хиёбонлар, яшил ҳудудлар ташкил этган бўлса, ўтган давр мобайнида бу кўрсаткич икки ярим баробардан зиёдга ортиб, ҳозирги вақтда 23 фоизга етгани, ҳеч шубҳасиз, мана шундай улкан ишларимизнинг амалий натижасидир.

Эски шаҳарнинг илгариги ҳолатини кўпчилик яхши эслади, албатта. Жазирама ўз пайтида бу ерда осмонни туманга ўхшаш қора қурум қоплаб ётарди. Ешларимиз буни билмаслиги мумкин, лекин кўпчилик одамларимиз шундай оғир шартда яшагани ҳақиқат, деб қайд этди Ислон Каримов.

Давлатимиз раҳбари жорий 2012 йилда Тошкентни янада обод қилиш йўлида бошланган ишларни давом эттириб, яна кўплаб янги объектларни ишга тушириш кўзда тутилаётгани ҳақида атрофдаги тўхталиб ўтди.

Аввало, Алишер Навоий кўчасидаги ижтимоий-маданий ва маиший объектларни ўз ичига олган, 320 хонадонга мўлжалланган 8 та янги уй-жойнинг қурилиши якунига етказилади. Мен сизларга шу уйлари бориб кўришни тавсия қилган бўлардим. Бу янги уй-жойлар энг замонавий лойиҳалар асосида барпо этилмоқда. Бизнинг мақсадимиз, талабимиз шундайки, агар уй-жой қурадиган бўлса, эски замондагидек пахсадан эмас, балки етти пуштимизга етадиган қилиб, ҳар томонлама пухта бўлиб, 80-100 йилга мўлжаллаб қуришимиз керак.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Р.Ж.Усмоновни Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Раҳмонбек Жаҳонгирович Усмонов Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2012 йил 16 март

ЎЗХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида ВАКОЛАТ ВА ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР



■ Партия фаоллари фуқароларни қўллаб-қувватлаши, уларнинг муаммоларини бартараф этиши, умуман, жамият ҳаётида муносиб иштирок этишидан, биринчи навбатда, электротар мафҳаат кўради. Бу эса партияга хайрхоҳлар сафини кенгайтиради, сайловчилар ишончини мустақамлашди. Шу маънода, Юнусобод туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси иши ибратли. Ўтган йили 50 дан ортиқ музожонат тушди. Шунинг 41 таси ижобий ҳал этилди.



НАЖОТКОР НАВРҮЗ 4-бет

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

Айнан ана шундай талаблар асосида ҳозирги вақтда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича қўллаб-қўллаб уй-жойлар қурилаётганидан хабарингиз бор, албатта. Шаҳримизнинг қоқ марказида, Алишер Навоий кўчасида бунёд этилаётган уйлар Европанинг тараққий топаган давлатларида қурилган уйлардан асло кам бўлмаслиги керак. Уларнинг олдида одамлар оиласи, фарзандлари билан дам олиб ўтирадиган масканлар, зарур инфратузилма объектлари барпо қилиш, келгусида бундай уйлари яна қўллаб-қўришга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

2012 йилда, шунингдек, Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан бу йилнинг ўзида 14 та мактаб, 3 та академик лицей, 6 та касб-хунара коллежини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, 8 та даволаш муассасасини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди.

Маълумки, жорий йилдан бошлаб мамлакатимизда олиқ ўқув юрталарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш дастурини амалга оширишга киришилди. Шу борада Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент тиббиёт академияси ва Педиатрия тиббиёт институтига бошланган ишлар бу йил изчил давом эттирилади. Шулар қаторида «Ешик» талабалар шаҳарчасини ободонлаштириш ишларини ниҳосига етказиш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда Чилонзор туманида «Бунёдкор» стадиони, ёпиқ сузиш ҳавзасига эга бўлган футбол мактаби ҳам қуриб фойдаланишга топширилади. Бундай ишлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Пойтахтимизда яқин келгусида амалга ошириладиган йирик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳақида гапирганда, деди Ўртабдинов ўз нутқини давом эттириб, Тошкент шаҳрининг энг муҳим қисми бўлган Эски шаҳар худудини тубдан реконструкция қилиш ва ободонлаштириш ишларини янги бошқичга кўтаришга алоҳида эътибор қаратишимиз даркор.

Шу муносабат билан яқинда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини 2020 йилгача бўлган даврга ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича алоҳида ҳужжат — Президент қарори қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжатда Эски шаҳарни тубдан реконструкция қилиш, янада ривожлантириш ва ободонлаштириш, аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш, замонавий талаблар, шаҳарсозлик принциплари ва нормаларига мувофиқ тарзда илҳимий, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини шакллантириш, миллий меъморлик аъёнчаларини асраб-авайлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган. Жумладан, иккита гоат муҳим масалани ечишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Биринчи масала — Эски шаҳар худудидаги мавжуд аҳвол, авваламбор, йўл-транспорт коммуникацияларининг ҳолати, турар-жой массивларининг ичимлик суви, канализация, иссиқлик ва электр энергияси билан таъминлаш даражаси замонавий талабларга, шаҳарсозлик ва санитария нормаларига қанчалик жавоб беришини ҳисобга олишдан иборат.

Иккинчи масала — реконструкция ишларини амалга оширишда Тошкент шаҳри, айниқса, унинг Эски шаҳар қисмидаги миллий меъморчиликнинг ўзига хос хусусият ва аёнчаларини, халқимиз маданий меросининг тимсоли бўлган, ислом маданияти ва жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган тарихий-меъморий ёдгорликларини асраб-авайлашдан иборат.

Ана шу муҳим йўналишлар Тошкентни истиқболда замонавий шаҳарсозлик асосида ривожлантириш ва ободонлаштириш дастури лойиҳасини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилиши даркор. Таъкидлаш керакки, бу дастур 2020 йилга қадар босқичма-босқич амалга оширилади. Унинг ҳар бир йўналиши бўйича, мутахассислар, архитектор ва лойиҳачилар, тарихчи олимларни жалб этган ҳолда, ишчи гуруҳлар ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Албатта, ана шу ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган материаллар асосида ишлаб чиқариладиган дастур лойиҳаси кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинади. Чунки бу уринда сўз бутун халқимиз, мамлакатимиз тарихига, унинг миллий қадрият ва аёнчаларига, минг-миңглаб юрдошларимизнинг бугунги ва эртанги ҳаётига бевосита дахлдор бўлган масалалар ҳақида бормоқда.

Энг муҳими, Тошкентнинг қандай қадимий ва бой ўтмиши борлигини, дунёда 2200 йиллик тарихга эга бўлган шаҳарлар бармоқ билан саналган эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ийлар, асрлар ўтса ҳам, эски ўрни бузилиб кетган бўлса

ҳам, бундай қадимий шаҳарларда одамлар тарихий хотира туйғусини йўқотмасдан, кўнча манзил ва масканларни доимо эслаб юради. Тошкентнинг ўн икки қадимий дарвозасини, уларнинг Лабзак, Қашқар, Кўкон, Қайтмас, Бешёғоч, Камолон, Самарқанд, Кўкча, Чигатой, Сағбон, Қорасув ва Тахтапул деган номларини халқимиз ҳозирга қадар ёдидан чиқармасдан келаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлаб турибди.

Барчамизга яхши маълумки, собиқ совет даврида, айниқса, 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин узоқни ўйламасдан, паллапартиш қилинган ишлар туфайли пойтахтимиз ривожини билан боғлиқ кўпгина муаммолар тўпланиб қолган эди.

Калтабинларча олиб борилган ишлар туфайли Тошкентнинг бетакороб табиатига катта зарар етказилди, қанча-қанча боғлар бузилиб, ариқ ва булоқлар қўмилиб, уларнинг ўрнида иқлим шароитимизга мутлақо тўғри келмайдиган, бир-бирига ўхшайдиган кўпқаватли темир-бетон уйлар, ишлаб чиқариш корхоналари ўйламай-нетмай қуриб ташланди. Яқин ўтмишларда ана шундай аччиқ тажрибалар шундан далолат берадики, шаҳарсозликда етти марта эмас, еттиш марта таълаб, бир кесили керак.

Айниқса, бугунги кунда ўта долзарб бўлиб бораётган йўл қурилишида бундай ёндашувнинг аҳамияти катта. Бу ҳақда гапирганда, бир фикрники алоҳида таъкидлаш лозим: 4-5 по-салли йўللار қуриш, кўчаларни кенгайтириш мумкин, лекин йўл ёқасидаги уйлари нима қилиш керак?

Ҳозирги вақтда Тошкентга келаётган одамлар йўлларимизнинг кенглигини қўриб, ҳайрон қолмоқда. Аммо бу йўлларнинг қандай қийинчиликлар билан кенгайтирилаётганини кўпчилик билмайди.

Айтиш керакики, шаҳарда мавжуд бўлган трамвай ва троллейбус линиялари бугунги кун талабларига, транспорт ҳаракатининг тезлигига жавоб берамай қўйгани сир эмас.

Биз аввалги эски трамвай ва троллейбус йўналишларидан воз кечиш ҳисобига йўлларни кенгайтиришга эришмоқдамиз. Тошкент шаҳрида мавзелар ўртасида тезорат трамвайларнинг ҳаракатини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Айниқса, йўллардаги қатнов йўналишларини ажратиб турадиган бетон тўсиқлар ўрнатилаётгани яхши натижа бермоқда.

Сизларга яхши маълумки, совет даврида Тошкентда коммунистик мафкура руҳидаги номлар кўп бўлган. Кейинги пайтда уларнинг қадимий номларини тиклаш бўйича кўпгина ишлар қилинди ва қўрилимоқда. Қатор майдон ва кўчалар, истироҳат боғлари, жумладан, Учтепа ва Олмазор туманлари мисолида ана шундай тарихий номлар тикланганини қўриш мумкин.

Айни вақтда шунини ҳам айтиш керакки, 90-йилларнинг бошларида жойларга ном бериш масаласида паллапартиш ва бирёқлама иш туттиш ҳолатлари юз берганидан кўз юмиб бўлмайди. Дейлик, кимнингдир боласи амалдор бўлиб қолса, отаси ёки бирон-бир қариндошининг номини кўча ёки мактабга беришга ҳаракат қилган.

Мен мустақиллик байрами арафасида Тошкент шаҳрида барпо этилган янги аэропорт биносини билан танишар эканман, ён-атрофдаги баъзи кўчаларга номлари қўйилган шахслар ҳақида сўраганимда, ишонасизми, ҳеч ким аниқ бир маълумот беролмади. Маана энди, бу масалага ҳам бутунлай янгича ёндашиб, маъсулият билан, ҳар томонлама пухта ўйлаб иш қўриш вақти келди. Яқинда жой номлари бўйича махсус қонун қабул қилин-ди. Бу борадаги асосий талаб шуки, жойларга шахсларнинг номини имкон қадар камроқ қўйиш керак. Шунда ўзимиз учун камроқ муаммо туғдирган бўламиз.

Таъкидлаш керакики, бу шунчаки топонимик масала эмас, аввало, маънавий тарбия масаласидир. Жой номлари юрдошларимиз, ёшларимиз қалбида ўз юртига муҳаббат, тарихимиз ва миллий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром туйғуларини камол топтиришга, уларнинг дунёқарашини ва маънавий оламини шакллантиришга хизмат қилиши лозим. Бу борада сохта ва қалбаки ишлар билан фарзандларимизнинг онги, тарбияси, адолат ва келажакка ишончи-га путур етказишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Тошкент ҳақида, Тошкент шаҳрида амалга оширилган ва амалга ошириш мўлжалланаётган ўзгаришлар ҳақида яна кўп гапириш, бу мавзунини узоқ давом эттириш мумкин, деди давлатимиз раҳбари.

Ҳақиқатан ҳам, пойтахтимиз ҳақида биз шундай катта ютуқларга эришдикки, бу тўғрида тортинмасдан, фахр билан ҳар қанча гапирсак, арзийди, албатта.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, бундай юксак марраларнинг замирида мен учун азиз бўлган тошкентликларнинг фаоллиги, пойтахт аҳолиси-га хос бўлган аҳиллик, меҳр-оқибат, ишбилармонлик каби фазилатлар, меҳнат, меҳнат ва яна бир бор

меҳнат мужассам, десак, асло хато бўлмайди. Ва бунинг учун сизларга, кўпмиллатли бутун Тошкент аҳлига ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман, деди Ўртабдинов.

Ҳаммамиз яхши биламиз, кейинги йилларда Тошкент шаҳрида эришилган ютуқлар билан бирга, ишда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар, одамларнинг норозилигига сабаб бўлаётган, ҳали-бери ечимасдан келаётган турли муаммолар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда шаҳар ва туман раҳбарлари, барча фаолларимиз қўлини холисона кўксига қўйиб, ўзига ўзи ҳисоб бериши, бу камчиликларни бартараф этиш тўғрисида бош қотириши ҳам қарз, ҳам фарздор. Бундай нуқсонларни шу залда ўтирганларнинг кўпчилиги яхши билади, минг-миңлаб ҳамшаҳарларимиз ўз кундалик ҳаётида бу муаммоларга доимо дуч келади, деди Исро Каримов.

Аввало одамларни рози қилиш, аҳолининг ташвишларидан узоқ бўлмаслик, унинг дарди билан яшаш ҳар қасий раҳбардан ўз ишига танқидий қараб, мен шу талабларга жавоб бераймани ёки йўқми, деган саволини ўзига беришни, ўз маъсуляти-тини ошириш, зиммасига юклатилган вазифани ўз вақтида бажариш ва қонунга сўзсиз итоат қилишни тақозо этади.

Шу маънода, раҳбар кадрларнинг маъсулияти ҳақида фикр юритганда, бу борада Тошкент шаҳрида бир қанча нуқсонларга йўл қўйилаётганидан, ўз фаолиятида турли қонун бузилишларга, вазифани суиистеъмол қилишга йўл қўйгани учун кейинги кўндалди Бектемир тумани хокими А.Ҳошимжонов, Миробод тумани хокимининг ўринбосари А.Абдурахмонов, Тошкент шаҳар хокимлиги ягона бююртмачи хизмати инжиниринг компанияси бошлиғи А.Хасанжўев, бинолардан фойдаланиш департаменти бошлиғи М.Мирсағатов, «Тошшаҳаргаз» бошқармаси бошлиғи А.Саидвалиевнинг жиноий жавобгарликка тортилгани шундан далолат беради. Шунингдек, шаҳар меҳнат ва аҳолини қўриқчилик муҳофиза қилиш бошқармаси бошлиғи Б.Қамоллов, Олмазор тумани хокимининг биринчи ўринбосари Б.Турсунов хизмат вазифасини талаб даражасида бажара олмагани сабабли ўз вазифасидан озод этилди.

Тошкент шаҳрида фуқароларнинг давлат идораларига мурожаатлари, шикоят ва аризаларига муносабат масаласида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Албатта, бундай мурожаатлар белгиланган тартибда қўриб чиқилмоқда, уларга жавоб ҳам берилмоқда. Лекин таҳлиллар баъзан шаҳар ва туман хокимликлари мутасаддилари томонидан бу масалада сансалорлик ва расмиётчилик, камчиликларни ўз вақтида бартараф этмасдан, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрмаслик ҳолатларига йўл қўйилганини кўрсатмоқда. 2011 йилда Тошкент шаҳар фуқароларининг Президент девонига шикоят ва аризалари сони 2010 йилга нисбатан ўртача 11 фоизга ортгани ҳам бу борадаги аҳолининг қоникарли эмаслигини давра беради.

Бу ҳақда гапирганда, ана шундай мажлис ва учрашуларда кўп бор айтиладиган, кўп қарорларда қайд этилган бир фикрники таъкидлаш лозим. Яъни, ҳар қайси мурожаатнинг ортида тирик жон турибди, уларда кимнингдир арз-доди, керак бўлса, дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик турганини ҳеч қачон унутмаслик лозим. Бу масалага бўйича биз қанча лоқайд ва бепараф бўлиб юрсак, одамларнинг норозилиги шунча кўпаяди. Тақдор айтаман, юзага келган бирон-бир муаммо ўз-ўзиндан ҳал бўлади, деган қайфият билан юрмиш жуда катта хато бўлади. Агарки ҳар қайси раҳбар, етакчи ўзи дуч келган муаммони бун-ди эмасса, эртага кеч бўлади. Раҳбарнинг асосий бурчи ва вазифаси ҳам айнан ана шундан иборат.

Яна бир масала шуки, бундай мурожаатларни қўриб чиқайотганда, аризаларни жойларга бориб текшираётганда, биринчи навбатда, кимга суяниш керак? Авваламбор, жамоатчиликка, маҳалла фаолларига. Шунинг учун ҳам бундай мурожаатларни жойларда қанча кўп очик, ошорка муҳокама қиладиган бўлсак, уларнинг ечимини бўйича амалий чоралар қўриданган бўлсак, ариза ва шикоятларнинг сони шунча камаяди. Қайси бир шикоятда ҳақиқат, қайси бирода эса шахсий адолат борлиги айнан шундай муҳокамадор пайтда аён бўлади.

Аҳолини иш билан билан қилиш масаласида ҳам Тошкент шаҳрида муаммолар кам эмас. Одамнинг ҳаётига, давлатга, ҳокимиятга жуда кўп талаблари бор, лекин улар орасида бир ҳаққоний талаб борки, уни ҳеч ким инкор этолмайди. Бу — ҳар қайси одамнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш, унга ўз қобилият ва истеъдодига муносиб иш топиб бериш масаласидир. Бу — биринчи навбатда

маҳаллий ҳокимият, тегишли давлат идораларининг энг асосий вазифасидир.

Тошкент шаҳрида ўтган йили 82 миңдан зиёд иш ўрни ташкил этилгани, жумладан, касб-хунара коллежаларини битирган 33 миң нафардан ортиқ ўғил-қизларимиз ишга жойлаштирилгани албатта эътиборга лойиқ. Лекин, Бектемир туманида кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш, Яққасарой ва Учтепа туманларида эса касаначилик ҳисобидан иш ўринлари яратиш режаси тўлиқ бажарилмагани, Миробод, Сирғали, Чилонзор, Ҳамза туманларида бу борадаги ишлар талаб даражасида эмаслигини қандай баҳолаш мумкин?

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳридаги бандлик хизматлари томонидан 5 миң 100 киши ишсиз сифатида расман рўйхатга олинган. Аммо, ўйлайманки, уларнинг ҳақиқий сони анча кўп. Нега деганда, миң афсуски, ишсиз юрганларнинг кўпчилиги ўз вақтида бандлик идораларига бориб, рўйхатга турмайди, ўз дардини ўзинча ҳал қилмоқчи бўлади. Бундай ҳолатлар ҳам ўзгариштириш вақти келди. Масалан, Тошкент шаҳрида 5 миң 100 киши ишсиз эканига ким ишонди? Шунинг учун бандлик хизмати идоралари ўз ишини тубдан қайта қўриб чиқиши зарур.

Маълумки, бугунги кунда ишсизлик масаласи бутун дунёда энг катта муаммога айланмоқда. Хатто энг ривожланган давлатлар ҳам шундай муаммони бошидан кечирмоқда. Европадаги етакчи мамлакатларда 8-9 фоиз, баъзиларида эса хатто 20 фоизгача одам ишсиз экани кузатилмоқда.

Шундан ҳулоса қилган ҳолда, биз бу борада мунтазам равишда иш олиб боришимиз, унинг ечимини ҳақида бош қотиришимиз керак. Одамлар учун барқарор даромад манбаи, муносиб иш ўринларини яратиш бериш зарур. Ҳозирги кунда айни шу масалага ариза қилган раҳбарлар ва фаолларнинг ҳар бири 5-10 тадан янги иш жойлари ташкил этиб берса, бу қандай катта савоб иш бўлар эди, деб қайд этди Ўртабдинов.

Аҳолини иш билан таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбирчилик қандай катта роль ўйнашини кимгадир исботлаб, тушунтириб ўтиришнинг ҳолати йўқ. Лекин ана шу муҳим соҳани ривожлантиришда Тошкент шаҳрида айрим камчиликлар мавжудлигиндан кўз юмиб бўлмайди. Аввало, ўз ишини ташкил этаётган тадбирчилар бино ва иншоотлар қуриш учун рўхсатнома олишда, коммунал хўжалик ва муҳандислик тармоқларига уланишда ҳали-бери бюрократик тўсиқларга дуч келаётганини, назорат органлари томонидан хўжалик субъектлари фаолиятига асосис аралашувларга йўл қўйилаётганини очик тан олиш лозим.

Тақдор ва тақдор айтмиша тўғри келди — бугунги кунда айни шу масала, яъни аҳолини, авваламбор ёшларимизни иш билан таъминлаш муаммосини ечиш, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг ҳаёт даражасини оширишда, юртимизда барқарорликни мустаҳкамлашда, одамларни рози қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини асло унутмаслигимиз керак.

Ҳаммамизга маълум, биз бу йил жуда оғир қиш мавсумини бошимиздан ўтказдик. Айни ана шундай қийин мавсумда шаҳар хўжалигида, айниқса, коммунал соҳада ўз вақтида эътибор берилмаган муаммолар лоп этиб ўртага қалқиб чиқди. Тошкентда қаҳратон қиш палласида иссиқлик таъминотида, электр энергияси, табиий газ билан таъминлашда айрим муаммолар юз бергани ҳам сир эмас.

Ўрганишлар шунини кўрсатмоқдаки, шаҳардаги 8 миң 244 та кўпқаватли уй-жойнинг 1 миң 252 таси қилгача яхши тайёрланмаган. Жумладан, қозонхоналарни қиш мавсумига тайёрлашда йўл қўйилган камчиликлар туфайли декабрь ва январь ойлариде 2 та йирик корхона томонидан аҳолига иссиқлик энергияси етказиб беришда узилишлар вужудга келган.

Шунинг учун шаҳар ҳокимлиги яқин кунлар ичида кузги-қишки мавсум ақунлари бўйича алоҳида мажлис ўтказиб, бу борадаги ишларнинг аҳолига танқидий ва принципал баҳо бериши керак.

Ким мана шу оғир пайтда ўзини аямасдан, жонқуярлик қўрсатиб ишлаган бўлса, у оддий ишчи ёки мутахассис бўладими, бундай заҳматқас ишонларнинг масъулиятини ошириш учун тегишли чоралар қўриш зарур, деб таъкидлади Исро Каримов.

Айни вақтда шаҳардаги мавжуд турар-жой фондини сақлаш борасидаги ишларнинг аҳоли ҳам талаб даражасида эмаслигини қайд этиш даркор. Ақсарият уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўз вазифасини тўлиқ ба-

жармаётгани туфайли 1991 йилгача қурилган 300 дан ортиқ кўпқаватли уйда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмаган, ўтган йили уларнинг ташки томонини таъмирлаш ишлари фақат 89 фоизга бажарилган, холос. Етарли маблағ ажратилганига қарамасдан, кўпқаватли уйлардаги 36 та лифт ўз вақтида ўрнатилмаган.

Юқорида келтирилган хато ва камчиликларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг келгусида тақдорланмаслиги учун ҳулоса ва сабоқ чиқариш, бу борада аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш энг асосий вазифа сифатида қаралиши зарурлиги сессияда алоҳида қайд этилди.

Мана, қишдан эсон-омон чиқиб олдик, насиб этса, ҳадемай, Наврўз байрамини ҳам биргаликда ўтказамиз. Мана шундай вақтда, содда қилиб айтганда, «илик узилди» пайтда одам организми тўйимли, витаминга бой маҳсулотга эҳтиёж сезиши табиий ҳол. Лекин айни шундай вазиятдан, яъни, ўтган йили етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари қамайиб, янгиси ҳали чиқмаганидан фойдаланиб, баъзи бир инонсиф кимсалар бозорда озиқ-овқат, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархини ошириб юбориши — яширининг ҳолати йўқ — бу ҳам бор гап.

Биз бундай ноҳус ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида кейинги йилларда ўз вақтида тегишли чоралар қўриб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тегишли захирасини яратиш бўйича қилаётган ишларимиз, ўйлайманки, сизларга яхши маълум, деди Президентимиз. Жумладан, ўтган йили куз мавсумида Тошкент бўйича 71 миң тоннага яқин картошка, пилёз, сабзи, қарам ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захира учун жамғариб қўйилган қиш мавсумида бозорларимиздаги серобчиликни таъминлаб, нарх-навоининг кескин ошиб кетмаслигига олиб келди. Бугунги кунгача ана шу захиранинг 61 фоизи бозор нархларига нисбатан 25-30 фоизгача арзонлаштириб сотилгани аҳолимиз учун сезиларли мадад бўлди.

Шу билан бирга, чорва ва парранда гўшти, суг, туҳум, балиқ маҳсулотлари ҳам фермер хўжалиқлари билан тузилган шартномалар асосида пойтахт бозорларига мунтазам етказиб берилаётганини қайд этиш зарур.

Бу ҳақда гапирганда, Тошкент шаҳрида вилоятларимиздан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бераётган миришкор деҳқон ва фермерларимизга, бу ишларни ташкил қилаётган инсонларга сизларнинг номини назорат қилиш бўйича алоҳида мажлис ўтказиб, бу борадаги ишларнинг аҳолига танқидий ва принципал баҳо бериши керак.

Сессияда яна бир муҳим масала, яъни, Тошкент шаҳрида қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳақида ҳам сўз юритилди. 2011 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилган тадбирлар натижасида жиноятлар сони 2010 йилга нисбатан 1,6 фоиз қамайишига эришилгани таъкидланди. Жумладан, қотиллик, фирибгарлик, безорилик, ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар қамайган. Лекин айни вақтда қасддан оғир тан жароҳати етказиб, ўрилик ва талончилик жиноятлари ўсгани таъбиш уйғотмасдан қолмайди.

Афсусланарли жиҳати шундаки, баъзан қонун посбонлари бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Буни ўтган йилнинг ўзида ички ишлар идоралари ходимларидан 12 нафари, солиқ идораси ходимларидан 3, бошқа идораси ходимларидан 4 нафари, шунингдек, 1 нафар судья жиноий жавобгарликка тортилгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Шу ўринда мен илгари ҳам айтган бўлишимиз яна тақдорлашни зарур, деб биланман. Маълумки, биз ҳуқуқий-демократик давлат қурмоқдамиз. Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир, деди Исро Каримов.

Албатта, тегишли қонунларни қабул қилиш мумкин, лекин бу қонунлар бажарилмаса, одамлар, аввало раҳбарлар, қонун ҳимоячилари бўлган ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари қонунга итоат қилмаса, бундай шаҳарроқда адолатга, ҳокимиятга ишонч қоладими ўзи? Адолатга, ҳокимиятга ишонч йўқолган жойда аҳвол қандай бўлишини, ўйлайманки, тасаввур қилиш қийин эмас ва бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳаётий тажриба шунини кўрсатадики, одамлар кимгадир, нимагадир ишончининг йўқотса, кейин уни тиклаш албатта қийин бўлади. Ҳуқуқ-тартибот органларида ишлайдиган одамларнинг ўзини туттиши, хизмат ва муомала маданияти ҳақида мен бу уринда бежиз сўз юритаётганим йўқ. Нега деганда, форма кийиб, гердаий илҳим ҳуқуқ совет давридан қолган салбий ҳолатлар ҳали ҳам, афсуски,

йўқ эмас. Ички ишлар, прокуратура ва ҳавфсизлик идоралари хизматчилари ўз вазифасини бажаряпти, буни албатта эътироф этиш керак. Айни вақтда шунини ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозимки, бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига нисбатан бошқаларга қараганда бир неча баробар қаттиқ талаб қўйилмоқда. Чунки улар аввало давлат, ҳокимият номидан иш олиб боради ва бу маъсулиятни эсдан чиқаришга ҳеч қандай ҳаққи йўқ, деб таъкидлади Ўртабдинов.

Бу масалада жамоатчилик назорати, маҳалланинг роли ва таъсири жуда кучли эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Шу борада мен илгари ҳам тўхталиб, маҳалла — халқ виждони, деган фикрни билдирган эдим, деди Президентимиз. Ҳақиқатан ҳам, энг виждонли, меҳр-оқибатли, одамнинг қадрига етадиган инсонлар айнан маҳаллада яшайди. Шунинг учун ҳам маҳаллани то мон маънода ўзини ўзи бошқариш идорасига айлантириш, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада қучайтириш масаласи бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиши даркорлигига мажлисда алоҳида ургу берилди.

Бизнинг бугунги ва эртанги тараққиётимиз билан боғлиқ энг муҳим масалалар — бу қурилиш ёки ободонлаштириш бўладими, коммунал х

ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИДА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИГА ҚАРАТИЛАДИ

■ Мамлакатимизда демократик ислохотларнинг бугунги босқичи қонун устуворлиги, давлат ва жамият бошқаруви очиклигини таъминлашга қаратилган. Бу, ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишда муҳим омил бўлади. Албатта, бунга асослик эришиб бўлмайди. Бунинг учун фуқаролик жамияти институтлари, айниқса, сиёсий партиялар фаол бўлиши, масъулият билан ишлаши керак. Чунки уларнинг зиммасига жиддий вазифалар юкланди. Президентимиз илгари сурган Концепцияда ислохотларнинг муваффақияти, биринчи навбатда, сиёсий партияларнинг етуқлик даражасига, уларнинг Ватанимиз тақдирини ва келажагига дахлдор улкан ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканлига бевосита боғлиқлигини алоҳида таъкидлади.

Бугун сиёсий партиялар ўз депутатлари фаолиятини кучайтириши мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшиши, бу борада муқобил таклифларни илгари суриши, Давлат ва маҳаллий дастурлар ижросини назорат қилиши, амалий фаолият кўрсатиши керак. Бу, аниқ иш ва катта ташаббускорлик талаб қилади.

Таъкидлаш кераки, дунё миқёсида электорал парламент шаклланиётгани кўзга ташланмоқда. Шундай экан, ҳар бир сиёсий партия жамиятда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиши лозим. Бунинг учун улар ўзи таклиф этган муҳим ижтимоий вазифаларни бажариши бўйича аниқ ва ҳаётий дастурга эга бўлиши ва уни амалга ошириши лозим.

Ўзбекистон ХДП мамлакатимизда устувор сиёсий, ижтимо-

ий ва иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш, бу жараёнда демократик механизмлардан самарали фойдаланишга интиломоқда. Бу, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси фаолиятида ҳам ўз аксини топади. Фракциямиз, хусусан, қонун ижодкорлиги жараёни ва Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳалари муҳокамасига электорат манфаатини ҳимоя қилиш нуктаи-назаридан ёндашмоқда.

Қонун лойиҳалари юзасидан фракция таклифларини шакллантиришда бу асосий мезон бўлаётди. Мазкур таклифлар қонунларда муайян даражада акс этмоқда.

Масалан, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар ки-

ритиш ҳақида»ги, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ҳамда истеъмол қилиниши»ни чеклаш тўғрисида»ги, «Микромолиялаш соҳасининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонунлар бўйича худди шу тартибда иш олиб борилди.

Шуни айтиш лозимки, электорат манфаати билан бевосита боғлиқ қонун лойиҳаларининг фракция йиғилишларидаги муҳокамаси янада такомиллаштирилмоқда. Бундай қонун лойиҳалари бўйича фойдали таклиф айтиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун ўша соҳада ва ҳуқуқий муносабатлар ҳақида тўлиқ тушунча ва тасаввурга эга бўлиш керак. Шу боис, қонун лойиҳалари муҳокамасига малакали мутахассислар кўпроқ жалб этилмоқда. Бу қонун лойиҳаларини пишиқ ва пухта ишлаб чиқиш, уларда электорат манфаатини акс эттириш ҳамда халқаро ҳуқуқ меъёрига мувофиқ такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар тайёрлаш имконини бераётти.

Кейинги пайтларда қонун лойиҳалари муҳокамасида маҳаллий партия ташкилотлари вакиллари ва депутатлар иштироки ҳам йўлга қўйилмоқда. Қонун лойиҳаларини ҳаётга боғлаб

таҳлил қилишда, худудлардан фойдали таклиф олишда бу яхши самара бермоқда.

Фракциямизнинг бу йилги фаолияти, унинг асосий йўналишлари белгилаб олинишида ҳам қонун лойиҳаларини ҳар томонлама мукамал тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, унда қонун ижодкорлиги соҳасида электорат эътижидини инобатга олиш, шундан келиб чиқиб, ижро ҳоқимияти фаолияти устидан парламент назоратини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ёшлар бандлигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари кўллаб-қувватлаш каби қатор масалаларга доир қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қонунчиликни такомиллаштириш кўзда тутилган.

Қонун жамият ҳаётидаги муносабатларни тартибга солувчи ягона ва одилона тизим. Кучли фуқаролик жамиятининг пойдевори қонун ва унга риоя этишдир.

Биз инсон манфаати устувор, қонунларга ҳурмат муҳити шаклланган, умуминсоний қадриятлар эъозланадиган фуқаролик жамияти қуришга интиляймиз. Мамлакатни босқич-ма-босқич демократик модернизация қилиш жараёнида бошқа сиёсий партиялар каби

ЎзХДП олдида ҳам ўз дастурий мақсадларини рўйбга чиқариши учун янги имкониятлар очилмоқда. Электорат манфаатини ҳимоя қилиш йўлида ундан ўринли фойдаланишимиз зарур. Аммо ҳали бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар оз эмас.

Айниқса, қонун ижодкорлиги жараёнида изчиллик етишмапти. Фуқароларнинг амалдаги қонунлар ва қонуноти ҳужжатларидан хабардорлигини ошириш бўйича ишимиз тизимли эмас. Ҳалиям ишимизда амалиётга нисбатан қуруқ гап устун. Қонунларга ҳаёт тақозо қилаётган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан ташаббускорлик ҳам талаб даражасида, деб бўлмайди.

Ҳозир биз юқорида айтилган камчиликларни бартараф этишга жиддий киришдик. Бунинг учун, аввалло, ижтимоий-иқтисодий жараёни чуккур таҳлил этиб, одамлар орасига қириб боришга, қонунчиликда электорат манфаатини ифода этишга аниқ таклифлар беришга интиляймиз. Чунки қонунлар қанча мукамал бўлса, ислохотлар шунча куч қўшади, ишимизнинг самарасини оширади.

Назира МАТЯҚУБОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ТИЗИМИ:

у қандай бўлиши керак?

■ Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидаги давлат ҳоқимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича комиссия билан бирга, «Парламент назорати тўғрисида»ги қонунчилик: халқаро тажриба ва амалиёт мавзусида семинар ўтказди.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, комиссия аъзолари, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти вакиллари, Адлия вазирлиги мутахассислари, Тошкент давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари, магистрантлари ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда миллий парламентаризмни такомиллаштириш, хусусан, парламент назорати институтининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш — долзарб масала.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўндан ортқ қонунларимизда парламент назорати бўйича меъёрлар акс этган. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида парламент назоратининг самардорлиги ва таъсирчанлигини оширишга қаратилган муҳим қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган. Шу асосда Конституциямизнинг тегишли моддаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини таклиф этиш, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан унинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ҳуқуқи берилди.

Юртимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар парламент назоратининг қонуний асосини янада кучайтириши, ривожланган демократик давлатларнинг парламент назоратига оид самарали ва таъсирчан иш усулини миллий парламент амалиётига татбиқ этиш (имплементация қилиш)ни тақозо қилмоқда. Мутахассислар бу борада катта тажрибага эга АКШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва Италия давлатлари амалиётини ўрганиш лозимлигини айтишди.

Таъкидландики, парламент назорати тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиш лозим.

Депутатлар ва мутахассислар бу борадаги қонун лойиҳасининг айрим концептуал жиҳатларини атрафлича муҳокама қилишди. Парламент назорати тизимини такомиллаштириш, хусусан, унинг шакл ва услублари, амалга ошириш механизмлари бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Ҳар биримизга боғлиқ масала

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси давлат санитария назоратига оид қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича давра суҳбати ўтказди.

Инсон саломатлиги, табиатни муҳофаза қилиш, санитария-эпидемиология масалалари изчил ўрганилмоқда. Ҳар бир соҳадаги ислохот инсон ва унинг манфаатини ҳимоя қилишга, турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга оид ўндан ортқ қонун қабул қилингани бунинг тасдиғидир.

«Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонун аҳоли саломатлигига хавф тугдирувчи омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, юқумли касалликларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Натияжада аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошди, юқумли ва вирусли касалликларнинг олдини олиш, санитария-эпидемиологик хизмат тузилмаси яратилди.

Давра суҳбатда сўзга чиққанлар аҳолининг санитария-эпидемиологик хавфсизлигини таъминлашда нафақат давлат назорати, балки фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини ҳам кучайтириш, бунинг учун ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлашди. Аҳолининг санитария-гигиена қоида ва меъёрларига риоя қилиши, бу борада амалий ёрдам олиши бўйича аниқ ҳуқуқий қоралар белгилаш масаласи атрафлича муҳокама қилинди.

Тадбир сўнггида «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш ва уни такомиллаштириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди. Шу асосда қўмита тегишли қарор қабул қилди.

ОАВ фаолиятини кучайтиришга бағишланди

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан бирга семинар ўтказди. Унда ОАВ фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масаласи муҳокама қилинди.

Қонунчилик палатаси депутатлари, фуқаролик жамияти институтларининг мутахассислари, Андижон ва Сирдарё вилояти оммавий ахборот воситаларида фаолият юритувчи ёш журналистлар мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Мамлакатимизда ахборот соҳасини тубдан ислох этиш бўйича жиддий ишлар қилинмоқда, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Ҳафиза Каримова**. — Бу, миллий ахборот ресурсларидан унумли фойдаланиш, соҳага коммуникация ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш, шу орқали ахборот соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади. Босма нашрларнинг электрон шакллари яратилиш, Интернет-таҳририятларини ривожлантириш бўйича илгор ҳоржий амалиётни қўллаш зарур.

Семинарда бу борада жойларда жиддий камчиликлар борлиги айтилди. Қўмитанинг ишчи гуруҳи ўтган йил охирида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ҳамда «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунларнинг Андижон ва Сирдарё вилоятларидаги ижроси бўйича назорат-таҳлил натижалари ҳақида маълумот берди. Маълум бўлишича, мазкур худудлардаги айрим таҳририятлар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, уларнинг имкониятидан етарли даражада фойдаланмапти, веб-сайтлари ташкил этиш эътиборсиз қолмоқда.

Иштирокчилар бу каби камчиликларнинг сабаблари, уларни бартараф этиш йўлларини атрафлича таҳлил қилди. Шу асосда ОАВ фаолиятига илгор технологиялар жорий этилишини ривожлантириш, ижодий ва муҳандис-техник кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Тўлқин ТўРАХОНОВ, Гулрух ОДАШБЕКОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

ВАКОЛАТ ВА ИМКОНИАТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР

— Жамоатчилик қабулхонасига тушаётган мунозаатларни таҳлилий ўрганиб, уларнинг ечими билан боғлиқ ишларни астойдил йўлга қўйганимиз, — дейди туман партия кенгаши раиси, шаҳар Кенгаши депутати Нигора Эшметова. — Депутатлар ва тегишли ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатганимиз. Бу яхши самара бераётти.

Мунозаатларнинг аксарияти ижтимоий муаммолар билан боғлиқ. Уларни бартараф этиш учун амалий ҳаракат режаси бўйича иш олиб борамиз. Муҳими, ҳаракатларимиз исзис кетмаепти. Берилаётган ваколат ва имкониятлардан ўз ўрнида фойдаланиб, одамлар оғирини енгил қилаймиз.

И.Кривенцов тумандаги «Астирабод» маҳалласида истикомат қилади. У хонадониде иситиш тизими яхши ишламаётгани ҳақида мунозаат қилди. Партия кенгаши фаоллари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшма-

си билан бирга, бу масалани ижобий ҳал этиш учун жон куйдирди.

— Нафақага чиқишда юрист маслаҳатига эҳтиёж сездим, — дейди Раҳматбек Исмомов. — Жамоатчилик қабулхонасига шу ҳақда мунозаат қилдим. Партия вакиллари кўмаги билан керакли маслаҳат ва тушунча олдим.

— 2008 йил коллежни тамомладим, — дейди Назоқат Арипхонова. — Ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келгач, қабулхонадан ёрдам сўрадим. Илтимосим эътиборсиз қолмади. Ҳозир ўз ишимга эгаман. Яқинда партияга аъзо бўлдим. Энди унинг амалий ишларига ўз ҳиссамни қўшаман.

Муаммоларни бартараф этишда, айниқса, депутатлар ҳиссаси катта бўлаяпти. Шаҳар Кенгашига Юнусобод туманидан 3 нафар депутат сайланган. Улар ҳар ойда икки марта ўз худудиде аҳоли билан учрашиб, кишилар билан фикр алмашади, бирон-бир муаммо турилса, уни ечиш учун астойдил ҳаракат қилади. Бундан ташқари, Жамоатчилик



қабулхоналарида ҳам белгиланган тартибда фуқароларни қабул қилишди. Масалан, 2011 йил уларга 108 та мунозаат бўлди. Унинг 80 дан ортиги ижобий ҳал этилди. Муҳими, бу партиянинг электорат вакиллари орасидаги обрўини оширишга хизмат қилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Ўз-ўзини танқид

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ТУЗИЛДИМИ

у ишлаши, одамларга фойдаси тегиши керак

■ Сиёсий партия ўз олдида қўйган мақсадга эришиши учун, аввалло, дастурий вазифалардан келиб чиқиб, аҳолини ўйлантираётган масалаларни изчил ўрганиши, бир сўз билан айтганда, ҳаётга яқин бўлиши керак. Бунда партия бошланғич ташкилотлар кучига таянади. Чунки улар электорат вакилларига энг яқин бўлган ҳисобланади, бевосита аҳоли орасида фаолият юритади, унинг ўй-ташвишини яхши билади. Шу маънода, бошланғич ташкилотлар фаолиятини изчил кучайтириб бориш — партиямиз олдидаги долзарб вазифа ҳисобланади.

ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши 18 миң нафардан ортқ аъзо, 649 та бошланғич ташкилотга эга.

— Партиямиз дастури, олдимизда турган вазифалар қай даражада бажарилиши партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билими, БПТлар фаолиятига боғлиқлигини инкор этиб бўлмайди, — дейди **вилоят партия кенгаши раиси Камолбой Исобеков**. — Бунинг учун қуйи бўйинларда салоҳиятли, изланувчан, сиёсий-ҳуқуқий билими юқори етакчилар сафини қўпайтириш керак. Шунингдек, уларнинг партия фаолияти билан боғлиқ жиддий ва таърибасини мунтазам равишда ўстириб бориш зарур. Чунки давр бошқа сиёсий партиялар каби ЎзХДП олдида хусусан, худудий ташкилотлар зиммасига жиддий ва масъулиятли вазифалар қўйди. Уларни бажариш кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотларга боғлиқ.

Бу ўринда худудий кенгашлар ва депутатларнинг қуйи бўйин билан ишлаш кўнимасини такомиллаштириш лозим. Шу орқали аҳоли орасига чуқур ки-

риб борилади, электорат вакиллари ўйлантираётган муаммоларни ўрганиб, уларнинг ечимини юзасидан ҳаётий таклифлар тайёрланади.

Бу борада Пахтачи туманида, айтиш мумкинки, муайян тажриба тўпланган. Туманда 50 та БПТ фаолият юритади. Туман партия кенгаши ҳар бир БПТ фаолиятини доим кузатиб боради. Илгор БПТларнинг аъзолари билан ишлаш, бунда ҳаёт синовидан ўтган сиёсий технологиялардан унумли фойдаланиш тажрибасини бошқа қуйи бўйинларда ҳам оммалаштиришга эътибор қаратиляпти. Шунингдек, бу борада Иштихон, Булунгур, Пастдаргом ва Жомбой туманлари, Самарқанд шаҳрида ҳам эътиборга молик ишлар қилинапти.

Аммо тан олиш керак, партия кенгашларининг ҳаммаси ҳам бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга етарли эътибор берамаяпти. Хусусан, Оқдарё, Кўшработ ва Каттакўрғон туманларида БПТлар фаолияти бугунги кун талаби даражасида эмас. Чунки мазкур ту-

ман партия кенгашлари ЎзХДПнинг жамоатчилик орасида нуфузини оширишга юзаси қарамоқда. Улардаги совуққонлик худудларга ҳам кўчган, БПТ етакчиларида ташаббускорлик ва ташкилотчилик етишмайди. Айрим БПТларда ўтган йил давомида партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билими, фаолигини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказилмаган. Юқоридеги туманлардаги бошланғич ташкилотларда аксарият тадбирлар хўжақўрсинга ташкил этиляди. Уларда ҳаётий масалалар муҳокама қилинмайди. Давр илгари сураётган мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмайди. Хўш, бу камчиликларнинг сабаби нимада? Бу ҳақда партия ташкилотлари етакчилари жиддий ўйлаб кўриши зарур.

Партия кенгашлари билан алоқаси даярли узилиб қолган қуйи бўйинлар ҳам йўқ эмас. Бунинг асосий сабаби — туман ва шаҳар кенгашларининг сусткашлиги, бошланғич ташкилотлар билан ишлашга масъулият билан ёндашмаётганида. Масалан, Кўшработ туманида шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Фақат бошланғич ташкилот тузиш билан партия кенгаши зиммасидаги вазифа адо этилмайди. БПТ тузилдими, у ишлаши, аъзоларга фойдаси тегиши керак. Бунинг учун юқори партия кенгашлари бошланғич ташкилотлар фаолиятини доим таҳлил қилиб бориши, уларга яқиндан ёрдам кўрсатиши, тасиялар бериб бориши лозим.

Маълумки, бошланғич ташкилотлар фаолиятидаги устувор вазифалардан бири — аъзоларнинг ижтимоий фаолигини оширишдан иборат. Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида олиб борилаётган ишларда биринчи гада шунга эътибор бериш зарур. Бошланғич ташкилотларда ўтган йили 190 дан ортқ тадбир ўтказилган. Гарчи улар «Концепция — бугунги ҳаётимиз дастуриламали», «Демократик ислохотларнинг янги босқичи ва унда партия ташкилотларининг амалий иштироки», «Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ва депутатлик гуруҳларининг партия электорат манфаатларига жавоб берувчи ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги иштироки», «Депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш», «20 йиллик мустақил тараққиёт йўли: Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, ЎзХДП имкониятлари ва мамлакат ҳаётидаги иштироки» каби долзарб мавзуларга бағишланган бўлса-да, ҳаммаси ҳам фикр-мунозараларга бой бўлди, уларда партия ташкилотлари фаолиятини талаб даражасига олиб чиқиш учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди, дейиш қийин.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Бугун сиёсий партиялар бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга эҳтиёж сезаётгани бежиз эмас. Ҳар бир сиёсий партияни жамиятга боғлаб турадиган асос айнан қуйи бўйиндир. Келинг, шу ўринда бир ҳолатта эътибор қаратайлик. Юқорида

Самарқанд вилоят партия кенгаши раиси Пахтачи туманида бошланғич ташкилотлар фаолияти яхши эканини айтиди. Хўш, бу мазкур туманда ЎзХДП нуфузи орттиришда қандай таъсир кўрсатди? Маълум бўлишича, туман Кенгашидаги 28 нафар депутат ЎзХДПдан сайланган. Ўйлаб қарасак, бу тасодиф эмас. Туманда партия қуйи бўйини фаол бўлган, партия юзларини кенг тарғиб қилгани учун туман ахли ЎзХДПдан курсатилган номзодларни қўллаб-қувватлаган.

Сиёсий партия нафақат ҳаётий долзарб масалаларни илгари суриши, айни пайтда, уларни ҳал этиш имконига эга бўлиши керак. Бу, ҳар бир партия мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнда фаол иштирок этиши керак, дегани. Бунинг учун аввало, қуйи бўйинда иш тўғри ва тизимли ташкил этилиши, юқори партия ташкилотлари БПТлар ишини кучайтиришга асосий вазифа сифатида қараш зарур.

Туман, шаҳар кенгашларида бошланғич ташкилотларини фаоллаштириш, масъулият ва манфаатдорлигини ошириш бўйича муайян механизм устида ўйлаб кўриш керакка ўхшайди. Бундан ташқари, партия ташкилотларининг долзарб масалаларга йиғилишларини қуйи бўйинда кўпроқ ўтказиш, БПТларнинг режа асосида ишлаш тажрибасини кенгайтириш, фаол етакчиларни рағбатлантириш яхши самара беради, назаримизда.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Миллат ва маънавият

НАЖОТКОР НАВРЎЗ

Ҳақиқатан ҳам, бу дилбар фаслда офтоб чарақлаб, еру кўкни қиздириши билан биз ҳам ўзимизни худдики янгитдан тугилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз, юракларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда янги куч-ғайрат жўш ургандек бўлади.

Биз ҳаётимизни баҳорсиз, Наврўзсиз тасаввур қилолмаймиз. Халқимиз ҳар йили бир марта Наврўз мўъжизаси билан юзма-юз келиб, ундан руҳий қувват олади. Янги-янги интилишлар, изланишлар, ижодий парвозларга қанот бўлади Наврўз. Нафақат табиат, балки ўзимиз ҳам янгиланамиз бу фаслда. Бир сўз билан айтганда, нажоткор Наврўз — бедорлик, бунёдкорлик ва яратиш каби буюк мақсадларни, халқимизга хос бўлган қадриятларнинг бошланиши ҳисобланади.

Наврўз кириб келмоқда. Бошқа байрамлар, фаслларга ўхшамасдан, қалбларни сурурга тўлдириб, бутун оламга Наврўз ташриф буюрмоқда. Дастлаб она табиати, дов-дархатларни эмас, инсон қалбини, ундаги ҳис-туйғуларнинг нозик торини назорат билан чертиб, янги кун, янги бахт, янги имкониятлар, янги орзулар кириб келди.

Қаҳратон қишнинг бир хил кўшигидан зериккан кўнгиллар дарчасини баҳор кунларининг биринчи нажоткор Наврўз очади. Унга пешвоз чиқамиз. Уни қувониб, энтиқиб-энтиқиб кутиб оламиз.

Бутун борлик қўм-қўк нурларга беланиб, инсон шуурида эзгулик, савоб, яхшилик, меҳр, оқибат амаллари жўш урганда дилларимизда ободлик даъвати уйғонганда, нафақат замин, балки осмон ҳам Наврўзга тазвизм этганда, юрак ёна бошлайди. Вужуд гуллайди.

Ижодкор табиат сонсиз-саноксиз қаламларини замин кўксига қадаб ўйга толади. Қаламлар куртак чиқаради. Жисимизга сифмаган нидолар шеърга айланади. Ишқ тугилади. Наврўз муҳаббати оламини ҳам, одамни ҳам сокинликдан ўз бағрига тортади.

Козонда қайнаётган сумалакка тош эмас, балки сирли тиллақлар ташланади. Учқоқда олов эмас, одамларнинг бир-бирига бўлган қадр-қиммати аламанг олади. Асрни қаритган момо ҳам, кечагина гўшанга кирган келинчақ ҳам, жажжигина мунис қизалоқ ҳам фақат ва фақат бир умид ижобати билан яшайди. Баҳорга, Наврўзга етказганига шукр.

Кўни-кўшига Наврўз таомлари уза-тилади. Бир-бири билан аразлашганлар ярашади. Ёши улуглар, бемор-



лар ҳолидан хабар олинади. Эҳтиёжманд оилаларга беминнат қўмак берилади.

Ўзбек хонадонидида Наврўз дастурхони тусалади. Уй соҳибларининг кўзлари йўлда. Тик этган товусҳа қулоқ тутушади. Улар Наврўз неъматлари ила безатилган дастурхонга меҳмон келишидан умидвор бўлишади. Наврўз кунидидаги ташриф хонадонга қўт-барақа олиб келади. Наврўз куниди билдирилган тиллақлар ижобат бўлади. Ҳа, бу 3000 йилдан буён яшаб келаётган бизнинг Наврўзимиздир.

Баъзан яширинча, баъзан ошкор эшигимиздан кириб келган Наврўз бу. Ҳеч қайси байрамга ўхшамайдиган ҳақиқий халқ байрами, халқ айёми, халқ сайли бу.

Тонг билан уйғонган ота ўғлини етаклаб кир-адирларга ўрлайди. Бойчечак излайди. Уни топиб олган болақай кулгуси, дараларга урилиб акс-садо беради. Улар биргаллашиб уйга қайтади. Юз билан юзлашган бобо-момолар хузурига шошади. Бойчечак — баҳор элчиси, тириклик байрами, замин тўққан бахт, Наврўз келтирган шодлик, соғинч, армон, илинж. Уни титроқ кўлларига олганларнинг кўзларида секин ёшлари қалқийди. Бойчечакни юзларига суртиб Яратганга шукрона айтади улар. Бисотидаги энг яхши, энг қадри, энг қиммат нарчасини бойчечак келтирган болага беришади. Баҳорга чиқиб олганлар, Наврўзга эсон-ометтанлар қалбиди муҳаббат намоён бўлади.

Ишқ олови куйдиради вужудларни. Севишганлар кўксиди янги ҳис-ҳаяжон исён қила бошлайди. Наврўз келиши билан муҳаббат фасли гулга

киради. Севгининг ҳеч ким айтмаган, ҳеч ким билмаган, ҳеч ким битмаган янги эртаги қалб кирғоқларига келиб урилади. Ишқ жами тўлиб-тошиб, бахтиёр диллардан ошиб, висол айёми кириб келади.

Соғинчлар самосиди чарх ураётган кабутарлар, тоғ кўксиди кулган лолалар, шафтолининг ширин, нафис гуллари... Муҳаббат деб пичирлаганда, баҳор дея шивирлаганда, Наврўз номини айтиб энтиқканда, ўйлай бошлайман: нақадар ҳаётбахш, нақадар дилга яқин, бунчалар мунис, шунчалар гўзал, бунчалар сирли бўлмаса бу баҳор.

Дард билан олишаётган бемор умид билан деразага тикилади. Унинг сингари баҳорни кутган, Наврўзни соғинган кимса бўлмаса керак. Қалдирғочнинг сирли овозига қулоқ тутайди. Ариқ бўйида бош кўтарган ялпизнинг мунис бўйи димоғини қитқилайди. Кўёш нурлари уй тирикшиларидан муралайди. Бемор вужудиди мўъжиза содир бўлади. Дард чекинади. Қишнинг чексиз тунларида қақшаган вужудни баҳор, Наврўз ҳаётга қайтади. Унга малҳам тутайди. Қўксини аллақачон тарқ этган ҳаётга, яшабга бўлган ишонч янгидан тугилади. У аста-секин ёстиқдан бош кўтариб, она табиатга, Наврўзга, баҳорга интилади. Нажоткор Наврўз қаршида бош эгади. Шукрона айтади тирикликка, борликка тикилади. Нурсиз кўзларига ҳаёт қайтади. Наврўз кўксига бошини қўйиб, Наврўзн кўнчиб, омонлигига қайта-қайта шукр қилади.

Болалигимда Наврўздан бир кун олдин уйимизга бобом мулла Мусо кириб келарди. У киши бизга ҳамма

идишларни сувга тўлдириб қўйинлар, ҳеч ким билмаган, ҳеч ким битмаган янги эртаги қалб кирғоқларига келиб урилади. Ишқ жами тўлиб-тошиб, бахтиёр диллардан ошиб, висол айёми кириб келади.

Бободехқон ўз қадрдон даласига отланади. Ҳаёт, яшаш интилишлари бошланади. Ўзбек қадим-қадимлардан буён, пешона тери эвазига ўндирган ҳалол रिқ билан болаларини улғайтиради.

Кўчат ўтказайди. Ота-ўғил-набира. Бир ер қазиса, бири ниҳолни тутайди кўллариди. бошқиси сув қуяди. Авлодлар ҳамжихатлиги — Наврўз. Келажак томон бирга ташланган баравар қадам — Наврўз. Эртасини ўйлаган, эртасидан умиди бор одам ерга уруқ қадайд. Ниҳол эқади. Боламининг боласининг оғзи шу меваларга тегсин деган инсон яхши ният билан боғ яратайди.

Кексаларимиз дуога қўл очайди. Илоҳим, шодликларимиз бардавом, юртимиз тинч, халқимиз фаровон, Ватанамиз обод бўлсин. Фарзандларимиз ёвукур, мард, жасур бўлиб улғайишсин. Юрт бошида турганлар соғсаломат, ўғил-қизларимизнинг бахти, иқболи кулсин.

Наврўз, баҳор яна қанчадан-қанча туйғуларимизни ўйготайди. Гуллатади. Тирилтиради. Шунинг учун ҳам Наврўз мўъжиза...

Шундан бўлса керак Наврўз нажоткор...

Фаррух ҲАМРОЕВ

2012 йил — Мустақкам оила йили



Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

Мамлакатимизда оила институтини ривожлантириши, ёши оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаши, уларга эътибор ва гамхўрлик кўрсатиши давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу боис, керак, юртимизда бахтли ва мустақкам ёши оилалар кўпаймоқда. Зеро, бахт — тинчлик, осойишталик, фаровонлик бор жойга интилади.

Пойриқ туманидаги Ғайбуллаевлар оиласига ҳам бугун кўпчилик ҳавас билан қарайди. Камолбек — тadbиркор, Мадинахон эса ҳозир бола тарбияси билан банд. Эндигина бир ёшни қарши олаётган Хайринисо бу хонадоннинг қувончи.

Лондон — 2012

БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ ҒАЛАБАЛАРИ

Германияда бокс бўйича давом этаётган «Chemistry Cup - 2012» халқаро турнирида дунёнинг 21 мамлакатидан келган юз нафардан зиёд чарм қўлқоп устаси голиблик учун куч синашмоқда.

Ўттиз тўққизинчи маротаба ташкил этилган нуфузли мусобақа иштирокчилари орасида жорий йил Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида рингга чиқадиغان боксчиларнинг кўпчилиги беллашувлар кескин ва муросаси ўтишини таъминламоқда.

Олимпия ўйинларида пухта тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон терма жамоаси сардори, жаҳон чемпионатлари совриндори ва Осиё ўйинлари голиби Элшод Расулов дастлабки учрашувда туркиялик Баҳром Музаффарни 17:11 ҳисобида мағлубиятга уратди. 81 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда катнашаётган тажрибали боксчимиз кейинги даврада ирландиялик Жое Вардга қарши рингга чиқади.

Лондон Олимпиадасига йўлланма олган боксчиларимиздан Орзубек Шоймов ва Жасурбек Латипов ҳам мусобақанинг биринчи босқичидан муваффақиятли ўтди. Вазни 56 килограмм бўлган боксчиларимизнинг кўпчилиги беллашувлар кескин ва муросаси ўтишини таъминламоқда.

Олимпия ўйинларида пухта тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон терма жамоаси сардори, жаҳон чемпионатлари совриндори ва Осиё ўйинлари голиби Элшод Расулов дастлабки учрашувда туркиялик Баҳром Музаффарни 17:11 ҳисобида мағлубиятга уратди. 81 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда катнашаётган тажрибали боксчимиз кейинги даврада ирландиялик Жое Вардга қарши рингга чиқади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси.



ДАСТАЛБИК ТУР НАТИЖАЛАРИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XXI миллий чемпионати олий лига жамоалари дастлабки тур учрашувларини ўтказишди.

Ўтган мавсум пешқадамлари биринчи ўйинларини галаба билан бошлади. Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — «Бунёдкор» футболчилари ўз майдонида Муборакнинг «Машъал» жамоасини қабул қилди. Ўйиннинг асосий вақтида ҳисоб очилмади. Ҳакам томонидан кўшиб берилган охириги дақиқаларда Миржалол Қосимов шогирдлари рақибларни дарвозасини ишғол этишининг урдасидан чиқарди — 1:0. Ягона голга Артём Филиппосян муаллифлик қилди.

Яна бир қизиқарли учрашувга мухлислар Самарқандда гувоҳ бўлдилар. Унда «Динамо» ўтган йилги ОФК кубоги соҳибини — «Насаф» жамоаси билан куч синашди. Миллий чемпио-

натда бош мураббий Рўзикул Бердиев раҳбарлигида илк марафат майдонга тушган қаршиликлар мезбонлар дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашди — 0:2.

Бухорода эса «Пахтакор» дастлабки тур баҳсини галаба билан якунлади. Учрашувнинг 24-дақиқасида Санибал Орахов вац киритган ягона гол меҳмонларга муҳим уч очкони туҳфа этди.

Бугун турнинг қолган учта ўйини бўлиб ўтади. Унда «Шўртан» (Ғузор) — «Локомотив» (Тошкент), «Навбахор» (Наманган) — «Қизилқум» (Зарафшон), «Металлург» (Бекобод) — «Анджон» (Анджон) жамоалари майдонга тушади.

Эркин ХОЛБОБО

Интер-спорт

ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР НОМИ МАЪЛУМ

Футбол бўйича нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионатидан кейинги ўринда турувчи «Кўҳна қитъа»нинг клублар ўртасидаги энг йирик мусобақалари — Европа чемпионлар лигаси ҳамда Европа лигаси баҳсларида чорак финалчилар номи аниқланди:

Европа чемпионлар лигаси 1/8 финал, жавоб учрашувлари

- «Арсенал» (Англия) — «Милан» (Италия) — 3:0 (биринчи учрашув - 0:4)
- «Бенфика» (Португалия) — «Зенит» (Россия) — 2:0 (2:3)
- «Барселона» (Испания) — «Байер» (Германия) — 7:1 (3:1)
- «Апоэл» (Кипр) — «Лион» (Франция) — 1:0 (0:1, пен. бўйича - 4:3)
- «Бавария» (Германия) — «Базель» (Швейцария) — 7:0 (0:1)
- «Интер» (Италия) — «Марсель» (Франция) — 2:1 (0:1)
- «Реал» (Испания) — ЦСКА (Россия) — 4:1 (1:1)
- «Челси» (Англия) — «Наполи» (Италия) — 4:1 (1:3).



Кеча эса Швейцариянинг Ньон шаҳрида Европа Чемпионлар лигасининг 1/4 финал ўйинларига қуръа ташланди. Қуръага кўра, «Милан» ва «Барселона» жамоалари чорак финалда ўзаро дуч келди.

Шунингдек, мусобақада ўзига хос шов-шувга сабаб бўлган Кипрнинг «Апоэл» жамоаси «Қироллик клуби» — «Реал» футболчиларига қарши баҳс олиб боради. Қуйида қуръа натижалари билан танишинг:

- «Апоэл» (Кипр) — «Реал Мадрид» (Испания)
- «Марсель» (Франция) — «Бавария» (Германия)
- «Бенфика» (Португалия) — «Челси» (Англия)
- «Милан» (Италия) — «Барселона» (Испания).

1/4 финалининг дастлабки учрашувлари 27 ва 28 март кунлари, жавоб ўйинлари эса 3 ва 4 апрель кунлари ўтказилади.

Европа лигаси 1/8 финал, жавоб учрашувлари

- «Эйндховен» (Голландия) — «Валенсия» (Испания) — 1:1 (2:4)
- «Ганновер-96» (Германия) — «Стандард» (Бельгия) — 4:0 (2:2)
- «Атлетик» (Испания) — «Манчестер Юнайтед» (Англия) — 2:1 (3:2)
- «Удинезе» (Италия) — «АЗ Алкамар» (Голландия) — 2:1 (0:2)
- «Бешикташ» (Туркия) — «Атлетико» (Испания) — 0:3 (1:3)
- «Шальке-04» (Германия) — «Твенте» (Голландия) — 4:1 (0:1)
- «Олимпикас» (Греция) — «Металлист» (Украина) — 1:2 (1:0)
- «Манчестер Сити» (Англия) — «Спортинг» (Португалия) — 3:2 (0:1).



Мухлислар Европа лигасининг кейинги босқич баҳсларида ҳам шиддатли учрашувлар гувоҳи бўлиши шубҳасиз. Қуръа натижаларига мувофиқ, чорак финалда қуйидаги жуфтликлар ўзаро рўбарў келадилар:

- «АЗ Алкамар» (Голландия) — «Валенсия» (Испания)
- «Шальке-04» (Германия) — «Атлетик» (Испания)
- «Спортинг» (Португалия) — «Металлист» (Украина)

«Атлетико» (Испания) — «Ганновер-96» (Германия). Қуръага кўра, ярим финалда 2-жуфтлик ва 3-жуфтлик голиблари ўзаро куч синаша, 4-жуфтлик ва 1-жуфтлик голиблари иккинчи финалчи номига ойдинлик киритишади.

ОБ-ҲАВО	18-19- 03. 2012
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	-3 / -2 0 / +5
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+2 / +7 +10 / +15
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	+2 / +7 +10 / +15
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	+5 / +10 +14 / +19
Анджон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	+2 / +7 +10 / +15
Тошкент шаҳри	+2 / +4 +15 / +15
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+6 / +2
Париж	+8 / +8
Москва	-9 / -1
Мадрид	+6 / +5
Пекин	+4 / +2
Гонгконг	+20 / +21
Рим	+7 / +8
Анкара	-5 / -2
Токио	+5 / -9
Стокгольм	0 / +2
Кейптаун	+15 / +15
Қоҳира	+14 / +16
Гавана	+24 / +24
Вашингтон	+10 / +11

Реклама ва эълонлар

«БЕКТЕМИР ЧИГИТНИ ЛИНТЕРЛАШ»

**масъулияти чекланган жамият
жамоаси**

*Баҳор нафаси уфуриб турган
ушбу қутлуз кунларда*

*юртдошларимизни **Наврўзи олам билан**
муборакбод этади!*



Юртимиз осмони мусарфро ва осойишта,
қалбларимиз иймон ва фидойиликка
ошно бўлаверсин.

Халқимизнинг байрамлари,
тўйлари, яхши кунлари
кўпаяверсин.

**Баҳорий
кайфият
ҳамиша**

**ҳамроҳингиз
бўлсин, азиз
ҳамюртлар!**



«ХОРАЗМПАХТАСАНОАТ»




худудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси

*юртдошларимизни
ғўзаллик ва нафосат
байрами - Наврўзи олам билан
табриклайди.*

**Баҳор юртимизга осойишталик,
тўкинлик, бахт ва саодат олиб келсин.**

Дастурхонимиздан тўкин-сочинлик аримасин.



**Баҳорий кайфият
доим ҳамроҳингиз бўлсин!**

«Ўзбекистон темир йўллари»

Давлат акциядорлик темир йўл компанияси жамоаси

Халқимизни

Наврўз айёми билан табриклайди.

Азиз ватандошлар!

*Бағланмизга келгуси ишлариниизда
ривозат, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт пилаймиз.*



Наврўз байрамингиз муборак бўлсин!




«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ»

унитар корхонаси жамоаси

**юртдошларимизни нафосат ва гўзаллик айёми —
НАВРЎЗИ ОЛАМ билан муборакбод этади!**

Янги кун ҳар бир хонадонга тинчлик,
тотувлик, файз-барака, тўкин-
сочинлик олиб келсин.

*Она Ватанимиз
тараққиёти
йўлидаги
эзгу ишларимизда
омад ҳамиша
ёр бўлсин!*



NAVRUZ

«NAVRUZ INTERNATIONAL CORP»

қўшма корхонаси жамоаси

мамлакатимиз аҳлини

*умумхалқ байрами, нафосат ва
гўзаллик айёми — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан
қизгин қутлайди!*

Кўклам қўшиғи — Наврўз шукуҳи
қалбларимизга чексиз қувонч,
эзгу туйғулар бахш этсин.

**Янги кун дилларга шоду хуррамлик,
хонадонларимизга тўкинлик
олиб кирсин!**



Реклама



«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси тизимидаги
«Тошкент шаҳар телефон тармоғи»
филиали жамоаси



юртдошларимизни қадимий ва
ҳамиша навқирон, нафосат ва
гўзаллик байрами — **НАВРЎЗИ ОЛАМ**
билан табриклайди!

Бутун борлиқ яшариб, еру кўкда буюк мўъжизалар содир бўладиган ана шундай фараҳли кунларда Наврўз нафосати ҳар бир оилага, ҳар бир инсон қалбига баҳорий кайфият, шодлик ва қувонч олиб келсин!

Тилагимиз — Она Ўзбекистонимиз бундан-да гулаб-яшнайсин.
Дастурхон тўзинлиги, ҳаётимиз фаровонлиги янада ошаврсин!

Эзгулик, меҳр-саховат айёми
Наврўзингиз муборак!



«ТОШКЕНТПАХТАСАНОАТ»

ҳудудий акциядорлик
бирлашмаси
жамоаси



юртдошларимизни
Наврўзи олам

билан
муборакбод этади!

Яшариш ва янгиланиш
фасли Баҳор, Наврўзи олам
ҳар биримизнинг
қалбимизга эзгулик,
яхшилик туйғуларини
бахш этсин!

Баҳорий кайфият
қалбларингизни
асло тарк этмасин,
азизлар!



«Темирйўлтаъмин»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси



*Баҳорнинг фарватли байрами
— Наврўзи олам билан
Халқимизни муборакбод
этади.*



Наврўзингиз қўлугʻ бўлсин азизлар!



Реклама ва эълонлар

SAVDOLAR BANK

Ўзбекистон — Германия

«САВДОГАР»

очиқ акциядорлик тижорат банкининг Тошкент вилоят филиали жамоаси

халқимизни нафосат ва гўзаллик айёми — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан муборакбод этади!

Наврўз — яхшилик, эзгулик, меҳр-шафқат ва бунёкорлик айёмидир!

Шундай экан, юртимизнинг ҳар бир гўшасида тинчлик, осойишталик ва фаровонлик бардавом бўлаверсин!

Ватанимиз тараққиёти, юрт ободлиги йўлидаги ишларимизда омад ҳамиша ёр бўлсин!

TURON BANK

Жаннатмакон диёримиз аҳли ва меҳмонларини **НАВРЎЗИ АЙЁМИ** билан кутлайди!

ОАТ «ТУРОНБАНК»

Чакана банк хизматларини таклиф этади.

«MIGOM» ПУЛ ЖЎНАТМАЛАРИ:

Migom MONEY TRANSFER

- бор-йўеи бир дақиқада амалга оширилади;
- комиссион тарифлар 2 фоизни ташкил этади;
- пулингиз сақланиши йурик банклар мажбуриятлари билан таъминланган;
- пул жўнатмангиз комиссиясиз тўланади;
- жуда осон расмийлаштирилади.

Кўшимча маълумотлар учун телефон: **+(99877) 700-55-55.**

Хизматлар лицензияланган.

ТУРОНБАНК — БАҲҚАРОРЛИК БЕЛГИСИ

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича **ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚС билан	ҚҚСсиз	
Лот 1-5 маиший хизмат иншоотлари:				
Лот-1	Булунгур туман Булунгур шаҳар А.Темур кўчасида маиший хизмат уйи қурилиши	455 661 354 сўм	379 717 795 сўм	6 ой
Лот-2	Каттакўрғон туман Гирдикўрғон ҚФЙ Қиёт маҳалласида сартарошхонаси билан 10 ўринли ҳаммом биноси қурилиши	358 960 235 сўм	299 133 529 сўм	6 ой
Лот-3	Тайлоқ туман Боғизагон ҚФЙ Боғизагон қишлоғида сартарошхонаси билан 10 ўринли ҳаммом биноси қурилиши	368 155 018 сўм	306 795 849 сўм	6 ой
Лот-4	Ургут туман Мирзақишлоқ ҚФЙ Алгар маҳалласида сартарошхонаси билан 10 ўринли ҳаммом биноси қурилиши	369 289 670 сўм	307 741 392 сўм	6 ой
Лот-5	Оқдарё туман Даҳбед шаҳарчасида маиший хизмат уйи қурилиши	556 780 000 сўм	463 983 333 сўм	6 ой

Қурилиш ишлари «Ўзвинсаоатхолдинг» компанияси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳоқимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй.
Телефон: (8366) 235-82-86.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметга қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга, ҳамда шартнома-лар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларга қуйидаги нарх преференцияларга эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб берилмайдиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг танлов так-

лифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ сўммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиши мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2/Д, 403-хона. тел. 231-13-51, факс. 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати оферталар очилиш куни ва соатига.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳоқимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10-00** да ўтказилади.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

АМУ-СУРХОН ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИНИНГ АМУ-ЗАНГ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИ БОШҚАРМАСИ

2012 йил дастури асосида қуйидаги объектни капитал таъмирлаш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти Ангор тумани ҳудудидан ўтувчи Занг каналининг ПК 522+00 пикетидаги Қорасув дарёсига тушувчи катастрофик ташламасининг қуйи қисмини капитал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бира — 199,094 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 165,912 млн. сўм, қурилиш муддати — 5 ой.

Буюртмачи: Аму-Сурхон Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг Аму-Занг ирригация тизими бошқармаси.

Манзили: Жарқўрғон тумани, М.Ўтанов кўчаси, 31-уй. Тел. (8-376) 43-21-794.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдордаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи сўммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектсқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиши мумкин:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

MUASSIS: Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Muslihiddin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
Bobir ALIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA	G'affor HOTAMOV	
Murodulla ABDULLAYEV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	

BO'LIMLAR: Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 346 19850 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari O'zA yakuni — 00.00. Topshirilgan vaqti — 00.00.

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **Dilshod NARZULLAYEV**

Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2000-7633

1 2 3 4 5